

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши

2025 йил январь-февраль ойлари учун

- I. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони
- II. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида
- III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- IV. Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
- V. Саноат ишлаб чиқариши бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони

2025 йилнинг 1 март ҳолатига кўра республикада 56,8 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу саноат корхоналари сони асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланганда юқори улуш 11,6 мингтаси (фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонининг 20,5 % и) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 8,0 мингтаси (14,1 %) бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, 5,7 мингтаси (10,1 %) кийим ишлаб чиқаришга, 4,6 мингтаси (8,0 %) машина ва ускуналардан ташқари тайёр метал буюмлар ишлаб чиқаришга ва 3,9 мингтаси (6,9 %) мебель ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда.

Корхоналар сони 1 март ҳолатига кўра





II. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида

Дастанлабки маълумотлар бўйича 2025 йилнинг январь-февраль ойларида республика корхоналари томонидан 122,2 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2024 йилнинг январь-февраль ойига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 106,0 % ни ташкил этди.

	Ҳажм млрд сўм	Физик ҳажм индекси %
Ўзбекистон Республикаси	122 191,4	106,0
Қорақалпоғистон Республикаси.	3 791,8	100,2
Андижон вилояти	11 511,6	103,1
Бухоро вилояти	5 242,4	106,0
Жиззах вилояти	4 484,9	104,7
Қашқадарё вилояти	5 273,0	102,2
Навоий вилояти	25 456,6	111,2
Наманган вилояти	4 217,6	109,1
Самарқанд вилояти	5 764,7	105,1
Сурхондарё вилояти	1 491,6	104,5
Сирдарё вилояти	3 094,5	91,5
Тошкент вилояти	17 903,0	103,6
Фарғона вилояти	5 736,4	104,2
Хоразм вилояти	4 257,3	110,9
Тошкент ш.	21 032,8	105,2

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари \(ойлик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлар \(йиллик\)](#)

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Навоий вилоятида (23 462,6 минг сўм), Тошкент шаҳрида (6 836,0 минг сўм), Тошкент вилоятида (5 812,4 минг сўм), Андижон вилоятида (3 358,4 минг сўм) ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (3 287,2 минг сўм) сезиларли даражада юқорилигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, Республикада аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 103,8 % ни ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида (109,2 %), Хоразм вилоятида (108,8 %), Наманган вилоятида (106,8 %) қайд этилиб республика кўрсаткичидан анча юқори натижа қайд этилмоқда.


**Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
январь-февраль ойларида**



Саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари

2025 йилнинг январь-февраль ойларида саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, 99,4 трлн сўмни, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши (81,3 %) ни ташкил этган ҳолда Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда 11,0 трлн сўм (9,0 %), Электр газ буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда 11,1 трлн сўм (9,1 %) ҳамда Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 0,7 трлн сўм (0,6 %) ни ташкил этди.

**Саноатнинг асосий секциялари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми,
жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, физик ҳажм индекси
2025 йилнинг январь-февраль ойларида**





III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2025 йилнинг январь-февраль ойларида республикада 189,4 минг тонна автомобиль бензини (2024 йилнинг январь-февраль ойига нисбатан 21,5 % га камайган), 104,0 минг тонна ип калава (7,4 % га кўпайган), 19,0 млн литр пиво маҳсулотлари (10,9 % га камайган) ҳамда 173,4 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (6,1 % га кўпайган) ишлаб чиқарилган.

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-февраль*	2024 йил январь-февраль	2025 йил январь-феврал
Енгил автомобиллар (махсус енгил автомобиллардан ташқари), дона	26 068	53 329	53 522
Юк автомобиллари, дона	350	466	510
Автомобиль двигателлари, дона	21 402	41 518	30 592
Автомобиль бензини, минг т	263,9	241,1	189,4
Дизель ёқилғиси, минг т	110,7	123,1	74,5
Кўмир, минг т	682,0	659,0	733,8
Нефть, минг т	127,3	118,5	105,8
Табиий газ, млн куб.м	8 159,8	7 705,0	7 376,4
Газ конденсати, минг т	209,3	214,7	192,6
Портландцемент, минг т	903,6	1 650,0	2 004,2

**2023-2024 йиллар январь-февраль ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маъумотлар асосида шакллантирилган*


Мавзуга доир кўрсаткичлар:
[Саноат ишлаб чиқариш ҳажмлар \(йиллик\)](#)

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган айрим турдаги маҳсулотлар

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 17,5 % (2024 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 110,1 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 6,3 % (2024 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 109,9 %)ни ташкил этди.











Ишлаб чиқарадиган саноатнинг технологик таркиби ва улуши

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,0 % ни (2024 йилнинг январь-февраль ойларида 1,3 %), ўрта-юқори технологияли – 21,0 % (25,3 %), ўрта-қуйи технологияли – 40,2 % (38,1 %), қуйи технологияли 37,8 % (35,2 %)ни ташкил этган.



Ўзбекистон Республикасида йирик корхоналар томонидан енгил автомобиллар ишлаб чиқариш январь-февраль ойларида

Автомобиль ишлаб чиқариш саноатида 2025 йилнинг январь-февраль ойларида 19 461 дона «Cobalt» (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,1 % га ошди) 1 392 дона «Chery» (30,5 % га камайди), 4 102 дона «KIA» (0,2 % га камайди), 12 983 дона «Damas» (10,5 % га ошди), 3 812 дона махсус енгил автомобиллар (13,5 % га ошди), шунингдек, 5 837 дона «Tracker» (10,8 % га камайди), 6 718 дона «Opix» (25,4 % га ошган), 1 117 дона «Naval» (8,3 мартага ошди), ва 1 912 дона «BYD» автомобиллари ишлаб чиқарилди.





Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

2025 йилнинг январь-февраль ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан электрэнергия ишлаб чиқариш 96,6 % ни, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш эса 94,9 % ни ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-февраль*	2024 йил январь-февраль	2025 йил январь-февраль
Жами ишлаб чиқарилган электрэнергия, млн.квт.с	13 575,1	14 559,1	14 061,9
<i>шундан:</i>			
<i>йирик корхоналар томонидан (ҳисобот маълумотларига асосан)</i>	13 516,6	13 492,7	11 152,9
<i>кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан (кузатув маълумотларига асосан)</i>	58,5	1 066,4	2 909,0
Иссиқлик энергияси, минг гкал	6 065,3	5 948,1	5 645,8
Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ, млн куб. м	23,1	26,9	15,3

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик чиқиндиларида 27,5 % га кўпайиш, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 5,8 % га кўпайиш кузатилди. Шунингдек, ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 7,7 % га кўпайиш кузатилди.


Саноат маҳсулотлари	2023 йил январь-февраль*	2024 йил январь-февраль	2025 йил январь-февраль
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд сўм	55,3	95,3	100,8

Ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар млн сўм	60,1	66,5	71,6
Тўқимачилик чиқиндилари,	1 215,6	2 835,8	3 614,4

**2023-2024 йиллар январь-февраль ойлари учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган*

IV. Кичик бизнес тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 29,9 трлн сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 24,5 % ни ташкил этди. 2024 йилнинг январь-февраль ойларида кичик бизнес субъектларининг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 19,9 % ни ташкил



V. Саноат ишлаб чиқариш ишлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Саноат бу – хомашёни қайта ишлаш, ер ости бойликларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли молларини яратишни қамраб олувчи ишлаб чиқариш тармоғи.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича ҳисоблаш методикаси (қисқача)

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (ЎзДСт 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Буларга тоғ-кон саноати



ва очиқ конларни ишлаш, ишлаб чиқарадиган саноат, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар (Б, С, Д, Э секциялари) киради. Саноат бўйича статистика маълумотлари қуйидагилар асосида шакллантирилади: а) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик) маълумотлари асосида; б) кичик корхоналар, микрофирмаларнинг чораклик танланма кузатувлари натижалари асосида; д) ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг чораклик танланма статистика кузатуви маълумотлари; э) уй хўжаликлари кузатуви материаллари.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси бўйича таъриф

Физик ҳажм индексини ҳисоблаш дефляторлаш усули орқали амалга оширилади. Ҳисоблаш маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг қиймат кўринишдаги динамикаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, кейинчалик алоҳида индекслар иқтисодий фаолият турлари бўйича йириклаштирилган индексларга босқичма-босқич агрегацияланади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш физик ҳажм индексини дефляторлаш усули билан ҳисоблашнинг афзалликлари: бу усул индексга турли хил товарлар гуруҳларига киришга имкон беради; статистик танлаб олинган нархлардан тегишли товарлар гуруҳининг вакили сифатида фойдаланиш мумкин; дефляторлаш усули ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдаги сифатли ўзгаришларни ҳисобга олишга имкон беради. Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажмининг йиғма индекси, базис йилнинг қўшилган қиймат тузилмасига қайта ҳисобланган секциялар бўйича индекс кўрсаткичларини агрегациялаш орқали аниқланади.

Саноат ишлаб чиқаришининг таркиби асосий 4 та **В, С, D, E** секцияларидан ташкил топган бўлиб қуйидагилардан иборат:

В - Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

С - Ишлаб чиқариш саноати

D - Электр газ буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

E - Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/679-sanoat-ishlab-chiqarishining-umumiy-hajmi-qiymatini-baholash-bo-yicha-uslubiy-nizom-ni-tasdiqlash-to-g-risida>

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/477-erbfqheheh5446456>

Тайёрлаш учун масъул:
Саноат ва энергетика
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
Б. Йўлдошев
71 202-80-47 (1205)

Манзил:

